

эффективность занятости в республике Беларусь: проблема баланса, Белорусский экономический журнал. 2015. № 2. С. 134–145.; Безработица, структурная перестройка экономики и рынок труда в Восточной Европе и России / Под ред. Р.Г.Емцова, С.Командера, Ф.Коричелли. - М.: ИНФРА-М, 2016. - 391 с.; Рофе А.И., Збышко Б.Г., Ишин В.В. Рынок труда, занятость населения, экономика ресурсов для труда / Под ред. А.И. Рофе. - М.: МИК, 2014. - 145 с.;

5. Абдураҳмонов Қ. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт / Дарслик. Қ.Абдураҳмонов. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашири. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси "Fan" нашриёт давлат корхонаси, 2019. - 592 б.

6. Асракулов А.С. Бандлик моделларини тадқиқ этишга концептуал ёндашувлар // Бизнес-эксперт. Бизнес-Daily медиа. – 2019, №10. 46–50-б.

7. Асракулов А.С. Норасмий бандликка концептуал ёндашувлар ва унга таъсир этувчи омиллар таҳдили //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. –2019, №6.

8. Q.X.Abdurahmonov, N.N.Shoyusupova, I.A.Bakiyeva. Mehnat iqtisodiyoti: darslik. –T.: TDIU, 2011. –73-b.

9. Сей Ж.Б. Трактат по политической экономии. Серия «Политическая экономия: ступени познания». –М.: «Дело», 2000 г.

10. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное. –М.: «ЭКСМО», 2007 г.

11. Портнер М. Конкурентное преимущество: как достичь высокого результата и обеспечить его устойчивость / Пер. с англ. Е. Калининой. –М.: Альпина Паблишер, 2008. –720 с.

12. Иноземцев В.Л. За пределами экономического общества. –М.: Академиа-Наука, 1998. С. 103–104.

13. Тоғфлөр, Э. Революционное богатство / Э. Тоғфлөр, Х. Тоғфлөр. –М.: ACT, 2007. –576 с.

14. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўйимтасининг 2011-2020 йил маълумотлари. [www.stat.uz](http://www.stat.uz).

**Асқарова Мұхаббат Ибрахимовна -  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуриданаги  
«Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва  
муаммолари» илмий-тадқиқот маркази кичик илмий ходими**

### ЁШЛАРНИНГ ЁШ ГУРУХИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЎЗГАРИШЛАР ВА УНИНГ МЕҲНАТ БОЗОРИГА ТАЪСИРИ

**Аннотация.** Мақолада республикада ёшларнинг ёш гурӯҳидаги демографик ўзгаришлар, уларнинг сони, ёшлар меҳнат бозорида дуч келаётган муаммолар ва уларнинг ечимларига изоҳ берилган.

**Таянч сўзлар:** меҳнат бозори, ёшлар меҳнат бозори, аҳоли, түғилиши, аҳолининг ўртача ёши, бандлик, ишсизлик, меҳнатга лаёқатли ёшдагилар, меҳнатга лаёқатли аҳоли.

**Асқарова Мухаббат Ибрахимовна -  
Младший научный сотрудник научно-исследовательского центра  
«Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана»  
при Ташкентском государственном экономическом университете**

### ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ В ВОЗРАСТНОЙ ГРУППЕ И ЕЁ ВЛИЯНИЕ НА РЫНОК ТРУДА

**Аннотация.** В статье исследуются демографические изменения в возрастной группе молодежи в стране, рассмотрены проблемы, с которыми сталкивается молодежь на рынке труда, и изложены способы их решения.

**Ключевые слова:** рынок труда, молодежный рынок труда, население, рождаемость, средний возраст населения, занятость, безработица, население в трудоспособном возрасте.

**Askarova Mukhabbat Ibrahimovna -  
Junior researcher of the Research center  
«Scientific bases and issues of economic development of Uzbekistan »  
under the Tashkent state university of economics**

### DEMOGRAPHIC CHANGES IN THE AGE GROUP AND ITS IMPACT ON THE LABOR MARKET

**Annotation.** In the article researched the demographic changes in the youth age group, their number, the main issues in labor market and are explained the problem solving.

**Keywords:** labor market, youth labor market, population, births, average age of the population, employment, unemployment, working age population, labour force.

**Кириш.** Аҳолининг иш билан бандлигига кўмаклашиш меҳнат бозорининг энг муҳим ижтимоий маҳиятини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида “Хар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибида ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир”, деб қайд этилган.[1]

Ўзбекистоннинг бугунги кун ижтимоий ва иқтисодий муаммолари орасида ёшлар ишсизлиги қаттиқ ховотир уйғотмасада, ёшларни ҳаёт фаолиятининг меҳнат соҳасига жалб қилиш бугунги кунда марказий ўриндадир. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев “Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат” деган сўzlари фикримизнинг далилидир [2].

Чунки бугунги кунда дунё мамлакатларида 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган ёшлар сони бир миллиардан ошиб кетган. Улар ер юзи аҳолисининг 20,0 %дан кўпроғини ташкил қиласди. Ёшларнинг 85,5% ривожланган мамлакатларда истиқомат қиласди. Замонавий дунёда 130 миллион ўсмирнинг саводсиз экани тан олинади. Ёшлар орасидаги глобал ишсизлик 13,1 фоизни ташкил қиласди. Бу катталар ўртасидаги кўрсатичдан уч баробар кўп эканини кўрсатиб турибди[3].

Иқтисодий фаоллик, бандлик ва ишсизлик даражаси ёшларни меҳнат бозоридаги ҳолатини ифодаловчи жуда муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади. Ёшларини билим даражаси ва касбий малакасини ошириш уларнинг меҳнат фаоллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Демак, ёшлар меҳнат бозорини шаклланиши ва уни давлат томонидан тартибга солиши жараёнларини чуқур таҳлил этиш, иш билан бандлигини ўрганиш бугунги кунга келиб ўзининг долзарблигини сақлаб қолмоқда.

**Илмий адабиётлар таҳлили.** МДҲнинг қатор олимлари, жумладан Богаченко Е.Д. (Реализация принципов достойного труда в сфере занятости молодежи. Дис.на соиск.уч. степ. канд. эко. наук.- Саратов 2017.), Блинова Т.В. (Молодёжный рынок труда: оценка и моделирование межрегиональных различий: монография. -М:ООО “Издательский дом КДУ” 2016. – 178 с.), Борисова А.А. (Регулирование конкурентоспособности и профильной занятости выпускников вузов: автореф.дис. д-ра экон. наук: 08.00.05/-Иркутск, 2016. -32 с.), Вишневская Н.Г. (Рынок труда молодёжи: механизм регулирования в современных условиях:автореф.

дис. канд.эко.наук: 08.00.05.- Уфа, 2010. -23 с.), Шапко В. Т. (Молодежь и общество на рубеже веков / под. ред И.М. Ильинского. -М.: Голос, 1998. -С. 237-259.), Долгова А.В. (Полная и эффективная занятость молодежи - условие повышения конкурентоспособности страны / А.В. Долгова, И.Р. Жукова //Человек и труд. - 2013. - № 8. - С. 25-27.), Задорожная, И. (Молодёжь как ресурс неформальной занятости: причины и следствия // Точки над ё – 2012. - №1. – С. 54-61.) ва бошқа кўплаб олимлар ёшлар меҳнат бозорининг ривожланиш меҳанизмлари муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Ўзбекистонда меҳнат бозорининг самарали ривожланиши ва ишсизликни камайтириш Қ.Х. Абдурахмонов (меҳнат бозорида рақобат-бардош бўлмаган ёшларни иш билан таъминлаш) [3], Ш.Р.Холмўминов ва К.З.Хомитов (қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши) [5], З.Я.Худойбердиев (тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси) [6], М.М.Холмухамедов (меҳнат бозорида ёшларнинг иш билан бандлигини тартибга солиш)[7], Д.А. Насимов (олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш)[4] каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Демак, келтирилган манбалар ёшлар бандлиги қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

**Асосий қисм.** 1998 йилда Ўзбекистон аҳолисининг ўртача ёши 24 эди, бугунги кунда эса бу кўрсаткич 29 ёшни кўрсатмоқда.[4] Бундан кўриниб турибдики, республикамиз аҳолисининг ўртача ёши ўша йилларда ёшларнинг ўрта гуруҳида изоҳланган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич ёшларнинг энг юқори чегарасини ифодаламоқда. Расмий маълумотларга кўра, бугунги кунда республикада ёшлар (16 ёшдан – 29 ёшгача бўлганлар) аҳоли умумий сонининг 26,4 фоизини ташкил қилмоқда.

Ўзбекистоннинг умумий аҳолиси 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра 33,9 млн. киши бўлса, шулардан 23,9 % ини 16 ёшдан 29 ёшгача бўлганлар ташкил қиласди. Лекин бу кўрсаткич 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 2,5 фоизга камайган. Хозирда аҳолининг 50,5 фоизи шаҳар, 49,4 фоизи қишлоқ аҳолисини ташкил қилмоқда. Шаҳар аҳолисининг 23,5 фоизини, қишлоқ аҳолисини эса 24,4 фоизини 16 ёшдан - 29 ёшгача бўлганлар ташкил қилмоқда. 2019 йилга келиб туғилиш жараёни юқори бўлган худудларга Самарқанд (2019 йилда туғилганлар сони 100656 киши), Фарғона (2019 йилда туғилганлар сони 87751 киши), Қашқадарё (2019 йилда туғилганлар сони 86728 киши) вилоятларини киритишимиз мумкин. Бундан кўриниб турибдики, янги аср бошларида туғилиш жараёни

## ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ

юқори бўлган худудларда бугунги кунга келиб пасайиш, туғилиш жараёни паст бўлган худудларда аксинча юқори. Ўз ўрнида республикада

туғилиш жараёнининг бориши аҳоли таркибидағи ёшлар салмоғининг ортиб кетиши ёки камайиб боришига ҳам таъсир қиласи.


**1-жадвал**  
**Ўзбекистон аҳолиси таркибида ёшларнинг салмоғи (минг киши)**

Йиллар	Умумий аҳоли сони	16-29 ёшдагилар	Шу жумладан:		
			16-19 ёшдагилар	20-24 ёшдагилар	25-29 ёшдагилар
2005	26021,3	7214,0	2498,5	2565,7	2149,8
2008	27072,2	7787,2	2546,4	2919,7	2321,2
2011	16953,6	8447,9	2621,0	3145,7	2681,2
2014	29993,5	8678,0	2535,1	3215,4	2927,5
2017	32120,5	8486,1	2158,4	3175,8	3151,9
2020	33905,2	8131,9	2028,7	2890,7	3212,5
<b>2005-2020 йи.ўсиш суръатлари, %да</b>	<b>132,3</b>	<b>112,7</b>	<b>81,2</b>	<b>112,7</b>	<b>149,3</b>

*Изоҳ:* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Таҳдиллар шуни кўрсатадики, республика аҳолиси таркибида ёшлар улуши 2017 йилдан бошлаб сезилар даражада камайиб бораётганилигини кузатиш мумкин. 2003 йилда улар жами аҳолининг 26,8 фоизини ташкил этган бўлса,

2014 йилга келиб 29,0 фоизга тенг бўлган. Бугунги кунга келиб эса бу кўрсаткич 23,9 фоизни кўрсатмоқда. Таҳдиллар шуни кўрсатмоқда, бугунги кунга келиб аҳолининг таркибида ёшлар улуши камайган.



**1-расм. Ўзбекистон аҳолиси меҳнатга лаёқатли қисмида ёшлар хиссаси[4]**

Юқорида тасвирланган 1-расмда албатта ўсиш кўрсаткичлари тасвирланган. Лекин 1-жадвалда рақамларни ифодаланишини кузатганимизда фикримизнинг асосли томони кўриянади. Биз буни оддий математик амал ёрдамида яна ҳам аниқроқ кўришимиз мумкин. Масалан: жадвалда 2005 – 2020 йилларда 16 ёшдан 29 ёшгача бўлган ёшлар 112,7 %га ошган.

Лекин жадвалга аҳамиятлироқ бўлсан 16 ёшдан 29 ёшгача бўлган ёшлар 2014 йилгача ўсиш кўрсаткичини ифодаламоқда, сўнгра эса акси:

$8678,0 \text{ (2014 й.)} - 8486,1 \text{ (2017 й.)} = 191,9$   
минг киши (3 й.)

$8486,1 \text{ (2017 й.)} - 8131,9 \text{ (2020 й.)} = 354,2$   
минг киши (3 й.)

## ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ

Мана биз сизга изоҳлашга ҳаракат қилаётган рақамлар. Бу рақамлар аҳолининг 16 ёшдан 29 ёшгача бўлган қисмини камайиб бораётганлигини ифодалайди. Агар ёшларнинг ёш

гуруҳига назар ташласак 16 -19 ва 20-24 ёшлилар ўртасида пасайиш кузатилади. 25 -29 ёшлилар ҳозирча бу вазиятдан мустасно.

2-жадвал

**Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳоли таркибида ёшларнинг улуши (%)**

Йиллар	Меҳнатга лаёқатли ёшдагилар	16-29 ёшдагилар	Шундан:		
			16-19 ёшдагилар	20-24 ёшдагилар	25-29 ёшдагилар
2005	100	48,5	16,8	17,2	14,5
2008	100	48,4	15,8	18,1	14,4
2011	100	47,4	14,7	17,7	15,1
2014	100	47,2	13,7	17,4	15,8
2017	100	43,6	11,1	16,3	16,2
2020	100	40,7	10,2	14,5	16,1

**Изоҳ:** Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

16-19 ёшлилар гуруҳидаги ёшлар сони 2005-2020 йилларда 81,2 фоизга ошган. Лекин меҳнатга лаёқатли аҳолини 2014 йилда 13,7% ини ташкил этган бўлса, 2017 йилда 11,1%, 2020 йилда эса 10,2 %ни ташкил қилган. Ёшларнинг бу ёш гуруҳдагилар бошқа ёш гуруҳларига нисбатан сони 2014 йилга келиб камайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса 2000-2004 йилларда Ўзбекистонда туғилиш жараёнининг камайганлигини кўрсатади.

20-24 ёшдагилар эса шу йиллар давомида 112,7 фоизга ошди. Йиллар ўтиб ёшларнинг бу ёш гуруҳдагилар сонини ҳам камайиб боришини кузатишимиш мумкин. Чунки бу ёш гуруҳига қўшиладиганларнинг сони камаётганлиги ҳозирда ўз аксини кўрсатмоқда. Бундан кўриниб турибдики, бу авлод вакиллари З-гуруҳ ёшларнинг ёш гуруҳига ҳам таъсир қилади.

25-29 ёш гуруҳдаги аҳоли сони 2005 йилда 2149,8 минг киши бўлган бўлса, уларнинг сони 2020 йилга келиб 3212,5 минг кишини ташкил этди. Аниқроқ қилиб айтганда, шу йиллар давомида 149,3 фоизга кўпайган. Ёшларнинг бу гуруҳ вакилларида ҳам камайиб бориши тенденцияси йиллар ўтиб кузатилади.

Республикада иқтисодий фаол аҳолининг 41 фоизини 16 ёшдан – 30 ёшгача бўлган аҳоли қатлами ташкил қилади. Уларни маълумотлилик даражасига кўра таҳлил қилганимизда 13,9 фоизини олий маълумотлилар, 60,2 фоизини ўрта маҳсус, 25,9 фоизи ўрта маълумотга эга бўлган кадрлардир. Бундан кўриниб турибдики, кадрларнинг маълумотлилик даражаси қониқарсиз даражада. Бундан кўриниб турибдики, ёшлар меҳнат бозорида олий маълумотлиларга нисбатан ўрта маҳсус маълумотга эга бўлганлар ўртасида рақобат, иш ўрнига нисбатан талаб юқорироқ. Агар 2030 йилгача битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 50

%га етказилса унда иш ўрнига нисбатан рақобат кучаяди. Унда иш беручи ўз имкониятларидан келиб чиқкан ҳолда талабгорни танлаб олади. Албатта юқори билим даражасига эга бўлган талабгор яратилган иш шароитлари билан танишиб чиқиб, сўнгра давогарлик қиласи. Ҳар тарафлама оқилона ташкил этилган иш ўрни учун бўлган рақобатда ўз ишининг мутаҳассислари устунликка эришади. Лекин бугунги кунда иқтисодий нофаол аҳолининг 69 фоизини 16 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ташкил қилиши албатта ачинарли ҳолат.

Бугунги кунда ёшлар ишсизлигига халқаро миёсда ҳам муаммо сифатида қаралмоқда. Ўзбекистонда давлат томонидан олиб борилаётган сиёsat, кўрилаётган чора тадбирлар, ишлаб чиқилаётган дастурлар бу муаммони бир оз бўлсада кескинлашувини олдини олмоқда. Мамлакатда ёшлар яъни 16 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ўртасидаги ишсизлик кўрсаткичи 15,1 фоизни, 16 ёшдан 25 ёшгача бўлганлар эса 16,8 фоизни ташкил қилмоқда[5].

**Хулоса.** Ёшлар бошқа иш изловчиларга нисбатан аҳолини бандлигига кўмаклашиш марказларида камроқ рўйхатдан ўтади. Айни пайтда ҳамма битиручилар ҳам иш қидириб бандлик хизматига мурожат қилмайди. Бунинг бир қатори сабаблари мавжуд.

Биринчидан, битирувчиларнинг бир қисми иш ҳақи даражасини пастлигидан бандлик хизматига мурожат қилмаса, бошқа бир қисми эса ўз ҳуқуқ ва бурчларининг билмаслиги оқибатида бормайди. Битирувчиларни иш ўринларига нисбатан қўядиган талаблари жуда юқори. Аммо ёшларга аксарият ҳолларда аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан кам иш ҳақи тўланадиган иш ўринлари тавсия қилинади. Лекин, уларнинг даромад топишга бўлган ҳаракатлари ишга жойлашишда асо-

сий эътиборни иш ҳақига нисбатан қаратиш кераклигини кўрсатмоқда.

Иккинчидан, баъзида иш жойининг ишсизлар яшаш манзилидан узоқда жойлашганлиги сабаб бўлади. Натижада ёшлар мустақил рашида аҳолини бандлигига қўмаклашиш марказларидан рўйхатдан ўтмай ишга жойлашиши афзал кўрмоқдалар. Лекин иш излаётган ёшларнинг бир қисми, шулар қаторида ўқув муассасаларини янги тамомлаган битирувчилар ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашишда айрим қийинчиликларга дуч келишмоқда. Бундай холларда аксарият ёшлар учун қайта тайёргарликдан ўтиш иш топишнинг ягона имконияти бўлиб қолмоқда.

Учинчидан, ёшларни иш билан таъминлашдаги қийинчиликларнинг асосий сабабларини уларнинг касбий билимларининг етишмаслиги, зарур малака ва меҳнат кўнимкамларини йўқлиги.

Шунинг учун ҳам малакали ходимларни ишга қабул қилишда корхоналар, фирмалар ва

компаниялар томонидан имтиёзлар белгиланади. Шу сабабли, иш берувчи ташкилот учун зарур бўлмаган ёш кадрларни касбий ўқитиш билан боғлиқ ташкилий ва молиявий қийинчиликларни ўз зиммасига олишини ҳоҳламайди. Натижада иш берувчи ёшлар хизматидан фойдаланишни рад этади. Бундан ташқари меҳнат муносабатларига киришаётган ёшлар ҳаётининг дастлабки палласида касбий тайёргарлик, меҳнат этикаси ҳали тўлиқ шаклланмаган бўлади.

Битирувчиларни меҳнат фаолиятига жалб этиш, уларнинг бандлигини таъминлашда маҳалла фуқоролар йигини, таълим муассасалари, туман, вилоят ҳокимликларининг саъий-ҳаракатлари муҳим аҳамият касб этади. Чунки бугунги кунда иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги меҳнат жамоалари таркиби, тадбиркорлар сафларига қўшилаётган йигит-қизлар ҳар бир давлат келажагининг тараққиётини белгиловчи омил бўлиб ҳисобланади.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 1999. 119 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь қуни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. <http://iza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti>
3. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти назария ва амалиёт. Дарслик Тошкент – 2019.
4. Насимов Д.А. Олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини тақомиллаштириш(Самарқанд вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, 2011.
5. Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уларни моделлаштириш (Монография). –Т.: “Fan va texnologiya”, 2014.; Хомитов К.З. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ меҳнат бозорининг самарали ривожланиши муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, 2012.
6. Ҳудайбердиев З.Я. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси. Ўқув қўлланма. “ILMZIYO” 2016.
7. Холмуҳаммедов М.М. Меҳнат бозорида ёшларни иш билан бандлигини тартибга солиш ва уни тақомиллаштириш (Самарқанд вилояти мисолида).иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, 2011.
8. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси “Ўзбекистон демографик ишлар тўплам” Тошкент – 2020. 96 бет.
9. <http://mehnat.uz/>

**Қўчқоров Гайбулла Файзуллайевич –  
Қарши ДУ Иқтисодиёт ва сервис кафедраси  
мудири иқтисод фанлари номзоди доцент  
Файзуллайев Камронбек Гайбулла ўғли –  
ҚаршиДУ 2-курс талабаси**

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК КОРХОНАЛАРИДА ИШЧИЛАР МЕХНАТИНИ МОТИВЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИНГ ТАҲЛИЛИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида меҳнат мотивацияси, корхоналарнинг рақобатборо дошлилиги, меҳнат фаолияти самарадорлигини оширишининг хориж тажрибаси усуллари кўрсатиб берилган. Шу билан бирга мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг соҳа иқтисодиётидаги ўрни аҳолини иш билан таъминлаш масалалари муаммолари ўрганилиб илмий асосланган тақлифлар берилган.

**Калит сўзлар:** бизнес, хусусий тадбиркорлик, иш ҳақи, мотивация, меҳнатни самарали мотивлаш, рақобат, иқтисодий ўсиш, имидж, рағбатлантириш, мунособ меҳнат учун ҳақ тўлаш.